

## ТАСДИҚЛАЙМАН

Хоразм вилояти Шовот тумани Ал-Хоразмий номидаги ХФММИ раҳбари



М.Дусчанов

« 17 » май 2022й

# ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

### 1. Умумий қоидалар

1.1	Ушбу харид ҳужжатлари “Давлат харидлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни №684 (кейинги ўринларда қонун) талабларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги ПҚ-3550-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. “Лойihalашдан олдин, лойиха, тендер ҳужжатлари ва шартномаларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисидаги “ (кейинги ўринларда қарор).
1.2	Харид предмети:
1.3	Товарлар (иш, хизматлар) чегаравий қиймати ва валюта талаби ушбу харид ҳужжатларининг нарх қисмида кўрсатилган. Тижорат таклифида кўрсатилган нархлар чегара нархидан ошмаслиги керак.
1.4	Техник топшириқлар ушбу харид ҳужжатининг техник қисмида келтирилган.
1.5	Харид комиссияси йиғилиш шакли юзма-юз тарзда (очная)

### 2. Давлат бюртмачиси

2.1	Хоразм вилояти Шовот тумани Ал-Хоразмий номидаги ХФММИ (кейинги ўринларда “Бюртмачи” харидлар бюртмачиси хисобланади). Бюртмачи манзили : Хоразм вилояти Шовот тумани К.Отаниёзов кучаси №65 Банк реквизитлари : 1. Марказий банк МФО :00014 Шхр: 23402000300100001010 СТИР: 201705405
-----	--

2.2	<p>Давлат бюртмачисининг иштирокчилари билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахслар :</p> <p>1.Ф.И.Ш : Салаев Шухрат Кадомич _____</p> <p>Лавозими: Хужалик ишлари мудир</p> <p>Телефон рақами :998 91 913 44 22</p> <p>Электрон почта :</p>
2.3	<p>Харидларни танлаш бюртмачи ходимлари орасида камида беш нафар аъзодан иборат таркибда тузилган харид комиссияси орқали амалга оширилади.</p> <p>Харид комиссияси қуйидаги вазифаларни бажаради:</p> <p>Харид қилиш хужжатларини келишилади;</p> <p>Таклифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди ;</p>
	<p>зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, хажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;</p> <p>дастлабки малака танловини ўтказди, агар харид қилиш хужжатлари шартларида буназарда тутилган бўлса;</p> <p>зарур булганда дастлабки малака танлови натижаларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилади;</p> <p>зарур бўлганда баҳолаш гуруҳини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади; харид қилиш тартиб-таомилларини ушбу қонунга мувофиқ амалга оширади;</p> <p>харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари қолибини ва зарур бўлганда захирадаги қолибни белгилайди ёки савдони амалга ошмаган деб топади.</p> <p>Харид комиссияси давлат харидларининг бошқа субъектлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар учун жавобгар бўлмайди.</p> <p>Харид комиссияси томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинадиган қарорлар давлат буюртмачиси ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари учун мажбурийдир.</p>
2.4	<p>Шартнома эгаси: Хоразм вилояти Шовот тумани Ал-Хоразмий номидаги ХФММИ</p>
<p><b>3. ХАРИД ҚИЛИШ ТАРТИБ ТАОМИЛЛАРИ ИШТИРОКЧИСИ</b></p>	
3.1	<p>Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси (бундан буён матнда иштирокчи деб юритилади) харид қилиш тартиб-таомилида давлат харидларини бажариш учун талабгор сифатида иштирок этаётган, Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган жисмоний ёки юридик шахсдир.</p> <p><b>Иштирокчи:</b></p> <p>давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;</p> <p>харид қилиш хужжатлари талабларига мувофиқ бўлган таклифлар ва хужжатларни тақдим этиши ҳамда тақдим этилган ахборотнинг ишончилиги учун жавобгар бўлиши;</p> <p>асосий бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши;</p> <p>қолиб деб топилган тақдирда, давлат буюртмачиси билан қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт.</p>

	Иштирокчи ва унинг аффилланган шахси электрон дўкон, аукцион, энг яхши таклифларни танлаш ва тендер бўйича айна битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.
3.2	<p><b>ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚУЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:</b>  <b>Иштирокчилар қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- шартномани бажариш учун зурур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларнинг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;</li> <li>- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;</li> <li>- солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;</li> <li>- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;</li> <li>- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги;</li> </ul>
<h4>4. ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИНГ ИЖРОЧИСИ</h4>	
4.1	<p><b>Давлат харидларининг ижрочиси</b> (бундан буён матнда ижрочи деб юритилади) харид қилиш тартиб-таомиллари яқунлари бўйича ғолиб деб топилган ва ўзи билан давлат харидлари тўғрисида шартнома тузилган иштирокчидир.</p> <p><b>Ижрочи:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- қонунчилик талабларига риоя этиш;</li> <li>- шартномани унинг шартларига мувофиқ бажариш;</li> <li>- асосий бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши;</li> </ul> <p>шартномани бажариш жараёнида давлат буюртмачисига ёки ваколатли давлат органига</p>
4.2	<p>унинг сўрови бўйича тушунтиришлар ва ахборот бериши шарт;  Давлат буюртмачиси зарур бўлганда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ўзига хос хоссаларидан ёки хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда иштирокчиларга қўшимча талаблар белгилашга ҳақли.</p>
<h4>5. ТАНЛАШНИ ЎТҚАЗИШ ТАРТИБИ.</h4>	
5.1	<p><b>Танлашда иштирок этиш учун танлаш иштирокчиси қуйидагиларни бажариши шарт:</b></p> <p>а) танлаш шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган эълон билан танишиш ва танлаш ҳужжатларининг электрон нусхасини олиш (юклаб олиш);</p>
5.2	<p>Танловда қатнашишга рухсат берилмайди:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик жараёнида бўлган</li> <li>- (буюртмачининг исми) билан суд ёки арбитраж ҳолатида бўлган</li> <li>- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида бўлган</li> <li>- Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг</li> </ul>

	<p>мавжуд бўлган</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжуд бўлмаган</li> </ul>
--	---

## **6. ТАНЛАШ ТИЛИ ВА ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ**

6.1	<p>Танлаш тўғрисидаги ахборот давлат тилида эълон қилинади ва тарқатилади. Танлаш тўғрисидаги ахборот давлат тили билан бир вақтда бошқа тилларда ҳам эълон қилиниши ва тарқатилиши мумкин. Бошқа тилларда эълон қилинаётган танлаш тўғрисидаги ахборотнинг мазмуни давлат тилида эълон қилинган ахборотга мувофиқ бўлиши керак.</p>
-----	--

## **7. ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ ВА УНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА БЕРИШ ТАРТИБИ**

7.1	<p>Иштирокчилар танлашда иштирок этиш учун таклифни давлат тилида ва заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрлашга мажбурдирлар. Электрон шаклда танлаш ўтказиш чоғида танлаш иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тақдим этилади.</p> <p>Таклифда давлат хариди объекти бўлган товарнинг эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нусхаси, намунаси бўлиши мумкин.</p> <p>Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.</p> <p>Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.</p> <p>Танлаш учун таклифларни қабул қилиш махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.</p>
-----	---

## **8 ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАР АМАЛҚИЛИШ МУДДАТЛАРИНИ УЗАЙТИРИШ**

8.1	<p>Буюртмачи харид қилиш тартиб-таомилларининг барча иштирокчиларига татбиқ этиладиган таклифларни тақдим этиш муддатларини узайтириши ва қонунчиликдан назарда тутилган ҳолларда харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари</p>
	<p>таклифларининг амал қилиш муддатини муайян даврга узайтириш тўғрисидаги таклиф билан уларга мурожат қилиш ҳуқуқига эга.</p>

## **9. ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ.**

9.1	<p>Давлат буюртмачиси харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.</p> <p>Бунда ушбутанлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч ишкунига узайтирилади.</p> <p>Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.</p> <p>Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.</p>
-----	--

## 10. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ ВА МАХФИЙЛИКНИ СИР САКЛАШ

10.1	<p>Буюртмачи ёки давлат харидлари электрон тизими операторининг ходими ўзининг давлат харидлари ижрочилари ёки ҳар қандай бошқа шахс билан муносабатларида, агар бундай ахборотни ошкор этмаслик давлат хавфсизлиги манфаатларини химоя қилиш учун зарур бўлса ёки агар бундай ахборотнинг ошкор этилиши қонунчиликка зид бўлса, уларга риоя этилишини таъминлашга монелик қилса, давлат харидлари субъектларининг қонуний манфаатларига зарар етказса ёхуд инсофли рақобатга тўсқинлик қилса, агар давлат харидлари соҳасидаги вақолатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қилмаса, ҳеч бир ахборотни ошкор этишга ҳақли эмас.</p> <p>Давлат харидлари соҳасидаги вақолатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, ушбу қарорнинг шартларига риоя этилади.</p> <p>Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиб, унинг харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиши билан боғлиқ таклифда ўзи кўрсатган барча маълумотларнинг эълон қилинишига розилик билдиради.</p>
------	--

11.2	<p>Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган (мифдорий, сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича) танлаш ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ёқитузилган шартнома бўйича жавобгар бўлади.</p>
------	--

## 11 . ТАНЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА БОШҚА ШАРТЛАР

11.1	<p>Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида тузилади.</p> <p>Давлат буюртмачиси томонидан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ғолиб шартноманинг шартлари бажарилиши таъминотини тақдим этганидан кейин шартнома тузилишини назарда тутувчи шарт қўйилиши мумкин.</p> <p>Ғолиб шартнома тузишни рад этган тақирда унга зақалат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқанган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи</p>
------	--

	<p>захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нарх бўйича (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган холлар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.</p>
11.2	<p>Иштирокчилар давлат буюртмачисига ёки ушбу буюртмачи томонидан жалб этилган ихтисослашган ташкилотга муайян давлат харидларининг тартиб-таомиллари, уларни ўтқозиш талаблари ва шартлари бўйича сўровлар бериш ҳамда улардан тушунтиришлар олишга ҳақли.</p>
11.3	<p>Агар танлашда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш муддати тугаган пайтда фақат битта таклиф тақдим этилган ёки бирорта ҳам таклиф тақдим этилмаган бўлса, шунингдек харидлар комиссияси томонидан таклифларнинг танлаш харид ҳужжатлари талабларига мос эмас деб топилган холларда танлаш ўтказилмаган деб ҳисобланади.</p>
11.4	<p>Давлат буюртмачиси ғолиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда давлат харидини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Давлат хариди бекор қилинган тақдирда давлат буюртмачиси бундай қарор қабул қилингандан кейин уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизими орқали махсус ахборот порталида мазкур қарорнинг асослангандирлиги сабабларини эълон қилади. Давлат буюртмачиси давлат хариди бекор қилинганлиги учун жавобгар бўлмайди, бундан бекор қилиш давлат буюртмачисининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибати бўлган холлар мустасно.</p>
11.5	<p>Техник топшириқда товарлар наъмуна таклифларини топшириш муддати тугагунга қадар ҳар бир товар намунаси иштирокчи томонидан техник баҳолаш учун буюртмачига топширилиши керак. Бундай талаб баҳолаш мезонида кўрсатилади. Техник спецификациялар талабларига техник жихатдан жавоб бермайдиган товарлар буюртмачи томонидан қабул қилинмайди. Ушбу ҳолда ёки товарлар наъмунаси тақдим қилинмаган холларда таклифлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди ва бекор қилинади.</p>